

1991-
2000



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 25 июл
сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 142 (2439)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Оддий савол

КИМ КИМНИ БОҚЯПТИ?

Шу йил баҳорда қўшни мамлакатнинг бизга яқин вилояти марказидан меҳмон келди. Табиийки, ҳол-аҳвол сўрашиш асносида бугунги турмуш тарзи ҳақида ҳам қизиқдик. «Заводларимиз тақа-тақ тўхтаб қолган, маҳсулот бўлмагач, иш ҳақи ҳам йўқ» деди меҳмон афсус оҳангда. «Нега?» деб савол бердик. Айтишларича, хомашё тугаган, корхонанинг ҳаётлигини таъминлайдиган омил — хомашё эса қишлоқдан келтириларкан.

Дарҳақиқат, мевасиз консерва корхонасини, чигитсиз ёғ заводини, толасиз тўқимачилик комбинатини тасаввур этиш қийин. Демак, шаҳарлардаги минг-минглаб ишчиларнинг ҳаёти қай тарзда ўтиши далада тер тўкиб меҳнат қилаётган деҳқоннинг ишига, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг руҳи баланглигига, димоғи чоғлигига боғлиқ. Деҳқоннинг қачон кайфияти яхши бўлади? Устираётган экини шигил мева берса, ҳосили самара келтирса, яъни меҳнати натижасида рўзғорига барака кириб, қосаси оқарса.

Қаранг, ҳаётимизда қанчалик ўзаро боғлиқлик намоён: саноат гуркираши учун қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши керак, бунинг учун қишлоққа эътиборни кўчатириш талаб қилинади. Бир қарашда бу оддий ҳақиқат. Лекин етмиш йил давомида бу қонуният инкор этиб келинди. Ёдингизда борми, дарсликларда шундай ўқитиларди: саноат «А» гурппа ҳисобланади. Ушанда «аграр республика» дейилганда гўё иккинчи даражали, қолақ деган маъно аниқлашларди, «индустриал» ибораси эса тараққиёт ифодаси эди.

Ҳолисанилло айтганда, бундай қараш бориб турган адолатсизлик. Бугунги сивёсатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасига нисбатан адолат мезонларини бузиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган, дея таъкидлади Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик яқунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида. Мен шу гапларни айтганда кўз олдимда деҳқон намоён бўляпти, деди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, ҳаммани деҳқон етиштирган ноз-неъмат тўйдирса-ю, у эътибордан четда қолса — адолатсизлик эмасми? «Қишлоқ бермас, оч қолиш мумкин» деган ибора ҳам халқ оғзиде юради.

Шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалигига эътибор бериш ҳаёт-мамат масаласи эканлигини фақат кечаги мажлисда эмас, неча-неча йиллардан буён такрор-такрор айтаяптилар. Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштириш зарурлигига бағишлаб, Президент ташаббуси билан махсус Дастурлар қабул қилинди, алоҳида сессиялар ўтказилди, Фармон, Қонун ва қарорлар эълон қилинди. Унда нега яна шу муаммо кун тартибига қўйилди? Гап шундаки, жойлардаги раҳбарлар, хусусан, ҳокимлар эски қолиплар исканжасидан чиқиб кетолмаяптилар. Президентимизни қайғуртираётган, фидойи халқимизни ўйлантираётган масала ана шу.

Баъзан далада ишлаётган оддий одамларнинг тафаккури, тушунаси замон даражасида бўлиши керак, деган гапларни айтиб қоламиз. Умуман, тўғри гап. Лекин, аввало, ўша одамларга бошман, раҳбарман деган зотларнинг тушунаси талабга жавоб берадими? Бу қандай гапки, қишлоқдаги ислохотлар тақдирини шахсан масъул раҳбар, катта тизим эгаси юксак миқдордан туриб, «Вазирлигимизда шанба «ислохотлар кун»и» деб айтса. Нима, ҳафтанинг бошқа кунлари «эскича ишлаш кун»ми? Ахир, биз ислохот руҳи билан, туб ўзгаришлар ишқиде туну кун яшашимиз керак эмасми?! Ислохотни ўйламасдан яшаш мумкинми?!

Деҳқон ўз мулкнинг эгаси бўлсин, деган гапни кўп айтамыз, кўп эъзамиз. Нима қилиш керак бунинг учун? Ўша мулк билан ишлаётган деҳқон яхши меҳнат қилишига қараб, яхши манфаат кўрсин. Ахир, ҳар бир одам топангига яраша рўзғори юришса, яхши кунларга етишса, кўнглидан чиқариб ишлайди. Лекин идорадан борган мутахассис ана шу ҳаётни масалани унутиб, қорғоздаги «савда» билан қайтса, нима дейсиз? Унинг ўзи деҳқон олдиде қарздорлигини унутса — нима дейиш мумкин?

Албатта, танқид қилиш осон. Лекин ишга наф келтирадиган мулоҳаза баён этиш, ўринли таклиф киритишнинг ўзи бўлмайди. Мен ҳам Президентимиз маърузаларидан келиб чиқиб, бир фикрни айтишга жазм этмоқчиман. Биз ислохотларни жорий этиш жараёнини таҳлил қилишда, аввало, масалани шундай қўйсак. Келинг, оммавий ахборот воситалари орқали тегишли раҳбарлардан сўрайлик: «Сиз ислохотларни жадаллаштириш ишига шахсан қандай ҳисса қўшдингиз?». Ҳар ҳолда бу савол кимнидир виждони билан ҳисоблашишга ундаса ёмон бўлмас.

Юртбошимиз қўяётган талаб масалага шундай қарашни тақозо этади. Бугун эл-юртни тўйдириб, кийинтираётган деҳқоннинг бугунги эҳтиёжи шу саволни беради.

Шухрат ЖАБОРОВ.



2000 йил — Соғлом
авлод йили

Сени кўрдим... юрагимда очилди гуллар,
Ҳайрат ичра боғларингдe яйради бу тан.
Мен бир боланг, сени қафтда кўтармоқ учун,
Бир кун келиб осмон қадар юксалгум, ВАТАН!
Турғунбек МАҲКАМОВ сурат-лаваҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари келтиришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ ҳамда ички бозорни истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан барқарор тўлдиришни таъминлаш, уларни республикага келтириши ва божхонада расмийлаштириши тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРО ҚИЛАДИ:

1. Белгиланган кўйилсинки, 2000 йил 25 июлдан бошлаб: Марказий банк лицензияларига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келтириладиган, шу жумладан, консигнация асосида келтириладиган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари фақат «эркин муомалага чиқариш» ёки божхона назоратида божхона омборида «вақтинча сақлаш» режимида бўйичагина божхонада расмийлаштирилади;
2. Марказий банк лицензияларига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан келтириладиган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари фақат «эркин муомалага чиқариш» ёки божхона назоратида божхона омборида «вақтинча сақлаш» режимида бўйичагина божхонада расмийлаштирилади;
3. Истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини божхона ҳудудига келтириш, сақлаш ва божхонада расмийлаштиришнинг ушбу қарорда белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгарлик божхона органлари раҳбарлари ва божхона омборлари эгалари зиммасига юклансин.
4. «Эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча сақлаш» режимида бўйича божхонада расмийлаштириш ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда ҳўжалик юритувчи субъектлар Марказий банкнинг конвертациялашда устувор ҳўқуқ берувчи лицензиясидан маҳрум қилинади.

нинг конвертациялашда устувор ҳўқуқ берувчи лицензиясидан маҳрум қилинади. «Вақтинча сақлаш» режими бўйича расмийлаштирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари 2000 йил 1 сентябргача бўлган муддатда «эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча сақлаш» режимида бўйича божхонада расмийлаштирилиши керак.

3. Истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини божхона ҳудудига келтириш, сақлаш ва божхонада расмийлаштиришнинг ушбу қарорда белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгарлик божхона органлари раҳбарлари ва божхона омборлари эгалари зиммасига юклансин.

(Давоми 2-бетда).

Деҳқонларимизнинг
ҳалол меҳнати,
Яратганнинг
чексиз инъоми,
Давлатимизнинг
Ғамхўрлиги
ТУФАЙЛИ

Ҳақиқий
мева йили
бўлди

Омбор-
ларимиз
донга
тўлди

Хара-
катдан
баракат
унди

Калом

«... ОРЗУИНГ УШАЛГАН КУН»

Истиқлолнинг тўққиз йиллигига саноат кўнлар қолғанда юртдошларимизга қуйидаги саволни бердик:

«Сиз Ўзбекистон мустақиллиги ҳақидаги хабарни қандай шароитда қабул қилгансиз?»

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мустақилликни эълон қилганида парламент залида эдим. Тарихий воқеа содир бўлгач, қчин шогирдимни топдим-да: «Энди кетдик, битта қўй сўйиб қон чиқарамиз», — дедим. Ўша куни Худо «Адолатнинг офтоби» деган шёърининг сўзларини дилимга солди. Кейинги йилда бу шёърни ўқиб бердим.

Авазхон СОДИҚОВ, иқтисод фанлари номзоди:

— Ишда эдим. Эшитиб ҳайратга тушдим. «Нахотки!» дея қувониб кетдим. Баъзи ҳамкасбларим хонага кириб: «Биз нотўғри эшитмадикми, Ўзбекистон мустақил бўлгани ростми?» — деб сўрашгани ҳамон эсимда.

Нодир ШАВКАТОВ, муҳандис:

— Мен бу хабарни Зоминнинг «супа»сида, машина радиоси орқали эшитдим. Қувондик. Бир-биримизни табриқладик. Кейин билсам, ўша лаҳза халқимиз учун энг бахтли дақиқа бўлган экан.

Икром ШАРИПОВ, иқтисодчи:

— Хориж сафариде эдим: аэропортда бир дипломатдан эшитдим. Бизни чет элликлар ҳам қутлашди. Барибир Ватандан йироқда бундай гап алоҳида таъсир қиларкан одамга.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН БИЗДАН ШИЖОАТ КУТМОҚДА

Ўтайтган ҳар бир кун бизни Мустақиллик байрами нишонланадиган айёмга яқинлаштирмоқда. Бу йил озоғлигимиз, бахтимиз, эркинлигимизнинг 9 йиллигини тантана қиламыз. Шу муносабат билан ўтган кунларимизга назар ташлаймиз, истикбол режаларини тузаямиз. Албатта, бундай дамларда ҳар ким ўз олдига: «Мен мустақилликни асрашга қандай ҳисса қўшдим?» — деган саволни қўяди.

Мен тадбиркор аёлман. Бу жабҳага кириб келишим, падали бузрукворим Жўрабек отага насиб этмаган орзуларга етишим, эртанги кунлардан умидим, шиддатим, ғайратим — ҳаммаси мустақиллик туфайли деб ҳисоблайман. Зеро, инсон мус-

тақил фикрласа, ўз кучига ишончи ҳам ошар экан. Агар, миллатимиз боғида ўтган йўлга ҳаёлан назар ташласам, вужудимни ҳаяжон босади. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган, шоирона таърифлаганда икки дарё қоқилини тараган жаннатмонанд заминга кўз олайтирганлар, халқнинг осойишта турмушини бузишга қасд қилганлар, ўзимиздан чиққан хоинлар, ватанфуршларнинг мудҳиш қияфалари ва буларга қарама-қарши ўлароқ жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳиссаларини қўша олган буюк боболаримиз

(Давоми 2-бетда).

Кичик ва ўрта бизнес

УСТУВОР ЙЎНАЛИШИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси худудига истеъмол товарлари келтиришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ушбу қарор қоидалари бузилиши бўйича аниқланган ҳолларга доир ахборотни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мунтазам равишда тақдим этсин.

5. Белгилансинки: Марказий банк лицензияларига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини рўйхатдан ўтказиш муддати ариза тушган

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 24 июль.

вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак; ушбу импорт контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш муддати 2 иш кунидан ошмаслиги, божхона органларида эса — 1 иш кун мобайнида амалга оширилиши керак.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Хамидов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз, тадбиркорлар ўзимизни иш одамлари деймиз. Дарҳақиқат, шахсан менда бўш вақтининг ўзи йўқ. Эрталаб қабулхонадаман, ярим соат ўтгач Олмалик томон йўл оламан. У ерда «Браво Медикал Эквипмент Трейдинг» (БАА) компанияси билан ҳамкорликда дори-дармон тайёрлайдиган заводни ишга туширганмиз. Режаларимиз кўп. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган дори-дармонларимизни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйиш, юртимизга эркин муомаладаги валюта олиб кириш ва бунинг эвазига экспортга ишлайдиган инъекцион шаклдаги юқори сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган заводлар куриш бугунги кундаги эзгу ниятимиз.

Хўш, кўнглида яратувчилик туйғуси жўш урган, меҳнатдан бошқа нарсани ўйламаган одам учун нима керак? Авваламбор тинчлик-осойишталик, ундан кейин мавжуд қонунлар устуворлиги. Ҳа, қонунлар аниқ ишла-

са, одамнинг кўнгли тўқ бўлади.

Мустақиллигимиз асосчи, давлатимиз раҳбари Исломо Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг

жағимизнинг буюклиги ҳақидаги гоғлар шунчаки гап бўлиб қолаверади. Президентимиз айтганларидек, «мафкуравий имунитет»ни қучайтириши-

хонга ёя билишимиз жуда ҳам зарур. Ана шунда отилган гоғвий «ўқлар» тасир этолмайди.

Истиқлолнинг илк йилларида Президентимиз

шу нарсани сездимки, баъзи бир ҳорижлик сармоядорлар Ўзбекистонда жаҳон бозоридан ўз ҳақини, улущини олишга кучи етадиган қорхоналар-

Корея мўжизалари ўз вақтида баъзиларнинг жигига текканлиги сир эмас-ку!

Мустақиллик халқимизнинг катта талофатлар, қийинчиликлар эвазига кўлга киритилган асрий орузси эканлигини унутмайлик. Шундай экан, унинг қадрига етиш, авайлаб-асраш ҳар биримизнинг ҳаёт мазмунимизга айланмоғи лозим. Тўққиз йил ичида Юртбошимиз бошчилигида жуда катта галабаларни кўлга киритдик. Автомобилларимиз дунё йўлларида юра бошлади, самолётларимиз беғубор осмонда парвоз қилмоқда. Мухташам иморатлар қурмоқдамиз. Бизни ҳурмат қилганлар, ахши-кўрганлар янги марраларимиздан, шитобимиздан мамнун. Жуда кўп башоратчилар, олимлар «Ўзбекистон XXI асрнинг мўжизасига айланади» деб айтишмоқда. Иншо-оллох, шундай бўлажак!

Мунира ҚОРИЕВА,
«Жўрабек» хусусий
фирмаси бош раҳбари.

ВАТАН БИЗДАН ШИЖОАТ КУТМОҚДА

ярим йиллик яқунлари муҳокама қилинган мажлисидаги маърузасини ўқидим, XXI асрда биз кучли давлат ва кудратли миллат бўлишимиз, аввало, ҳар бир фуқаронинг гайрат-шижоятига боғлиқ эканлигини англадим.

Мен ўзбек фарзандиман, мен ўзбек олимасиман, мен ўзбек тадбиркориман, мен ўзбек зиёлисиман, — деган гапларни айтганда, фахр-гурур туйғуси билан бирга, жуда улкан масъулият, ишонч, қатъият, меҳр-муҳаббат жўш уриши лозим. Ҳар биримиз — етти ёшдан етмиш ёшгача, биз Ўзбекистон фарзандимиз, биз дунёда шухрат ва шон топишимиз керак, мамлакатимиз бой, обод, гўзал бўлишига эришимиз, аввало миллитимиз яратувчи, истеъдодли халқлар қаторида эканлигини жа-

тадбиркорларни йиғиб халқаро бозорга киришга даъват этдилар ва ҳар биримизни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Шундан сўнг кўпчилик ўзбек тадбиркорлари гайрат билан ишга киришдилар, ишбилармон ҳамкор излаб хориж сафарларига отландилар. Ўз навбатида мен ҳам Ўзбекистонга замонавий тиббиёт технологияларини олиб келишга жазм этдим. Шу тариқа, чет эллик корчалонлар, тадбиркорлар билан учрашувлар, баҳслар, мунозаралар даври бошланди. Узро суҳбатлар, тажриба алмашишлар жараёнида

нинг пайдо бўлишига унчалик хайрихоҳ эмаслар. Қолаверса, энг замонавий технологияларни беришга ҳам мойиллиги кам. Кўпроқ фикри-зикри, оз харажат қилиб, эскирган технологияларни сотиб, катта фойда олиш. Тўғри, бизнеснинг асосий қоидаларидан бири фойда олиш, ammo бу ўринда Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош даражага кўтарилиши, Марказий Осиёдагина эмас, бутун жаҳонда ҳам етакчи ўринга чиқиб олиши баъзиларга унчалик маъқул эмас. Ахир биригина Япония ёхуд Жанубий

ҲОКИМ: тадбиркорга мададкорми ёки тўсиқ?

Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик яқунлари бағишланган мажлисида тилга олинган масалалар жойларда қандай ахволда эканлигини билиш мақсадида мухбирларимиз тадбиркорларга қуйидаги савол билан мурожаат қилишди:

8750 сўм тўлаб патент оламан. Навоий шаҳридаги буюм бозоридан савдо қиламан. Бу ерда савдога келсак ҳам, келмасак ҳам ҳар метр жой учун кунига 75 сўмдан патта пули олади. Патта пулининг бир ойлигини бирдан тўлаш шарт. Бозорда шароит етарли эмас. Электр энергияси, ҳатто оддий сув йўқ. Расталарни ўзимиз ясаб келтирганмиз. Бозор маъмурияти уларнинг ўрнини тез-тез алмаштириб, қулай жой учун тадбиркорлардан пора сўрашади.

Ҳафтада бир марта Сарафшон шаҳрига савдо учун бораман. Ўтган йил ноябр ойидан бошлаб у жойдаги ҳокимликдан ҳам патент ҳужжат олишга мажбур қилишди. Навоий шаҳридан олинган патент ҳужжати Сарафшон шаҳрига ўтмасмиш. 4-5 ой 2 та патент билан иш юритдим. Текширувчиларга олинган бир патент ҳужжати республика бўйича амал қилиши ҳақида қанча гапирмай улар ҳокимнинг қарорини кўрсатишдан нарига ўтолмайди.

Шу масалага аниқлик киритиш мақсадида Навоий шаҳар ҳокимлигига арз қилиб бордик, қабул қилишмади, милиция ҳодимлари ҳайдаб юборишди. Ҳар 10-15 кунда бозор паттачилари «Ҳоким келаями» деб дағдаға қиладида, иссиқдан совбон учун ёпиб қўйилган оқ матоларни юлиб отади. Уша ҳоким келмайди ҳам. Менимча, тадбиркорнинг иссиқда куйиб ўтиришини кўриш ҳокимга завқ бағишласа керагов...

Орифхон БОБОХОНОВ,
Давлатобод туманидаги «Обод текстил» хусусий компанияси раиси:

корликка қўл урган кишига у қадар кўп нарсга керак эмас. Ниҳоят, уни қўллаб-қувватлаб, мақсадини амалга ошириш учун имконият берилса бас. Ҳокимимиз Аюбхон Раҳматуллаевнинг кичик ва ўрта бизнесга эътибори қанчалик юқори бўлса, биздан умиди шунчалик катталигини ҳар қадамда сезиб тураемиз. Ўтганда ҳам, кетганда ҳам қонанишимизга кириб, аҳволимизни сўрашдан эринмайди. Муаммоларимизни ҳал этишга кўмаклашади. Шунданми, қирқ кишилик жамоамиз тезда оёққа туриб олди. Йилга 200 миллион сўмликка яқин нотўқима мато ишлаб чиқаряпмиз. Фаолиятда шунчалик эркинлик берилганки, бултур жаҳон бозорига 21,6 минг АҚШ доллари миқдоринда маҳсулот экспорт қилдик.

Бир бизгагина эмас, ишбилармонларнинг барчасига эътибор бирдай. Бугун туманимизда 762 та тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатяпти. Улар ишлаб чиқариши, савдо, мазиший хизмат ва умумий оқватланиш соҳаларида ўзининг муносиби ўрнини топиб олган экан, бу тадбиркорлик ҳаракати тўғрисида баҳо берилаётганидан нишона.

Савдолим АҲМЕДОВ,
Уйчи туманидаги «Кудрат» масъулияти чекланган жамият раиси:

— Бундан икки йил аввал беш нафар таъсисчи қурилиш ишларида иختисослашган корхонамизни ташкил этиб, мулкдорлар савфидан ўрин олганимизда роса хурсанд бўлгандик. Эртароқ қувонган эканмиз. Хусусий мулкчилик қонун-қоидаларидан беҳабар айрим кишиларнинг ёз-ёйзи билан ишимизга аралашушлар бошланди. Аввалга ҳокимиятдан комиссия чақириш

ди. Кейин эса вилоят давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Иномов, маҳаллий санаят компанияси раиси Т.Ҳожиёвлар келиб, мени, жамият мулкчининг 75 фоизига эга одамни қонунга хилоф равишда икки марта ишдан бўшатиб кетишди. Эндигина юришадиган ишларимиз тўхтади, режаларимиз орқага сурилди. Туман ҳокими С.Азимовнинг кўмағига умид қилиб, хузурига кирдим. Олдинги ишнинг назоратга олгандай бўлди. Кейинроқ негадир «Сизни кимлар ишдан бўшатган бўлса, ўшалар тиклаб қўйсин», дея ўзини четга олди. Биринчи раҳбардан бу жавобни эшитгач, бошқа кимдан нажот сўрашни билмай бошим қотди. Уйлай-уйлай вилоят адлия бошқармасига шикоят қилдим. Шундан сўнг мулкка эгалик ҳуқуқим тиклангандай бўлди-ю, ҳамма нарсга изга тушиб кетишимга ҳамон ишонмапман.

Буюғидан келсангиз, хусусий корхонамиз имкониятлари туман ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаол қатнашиши учун етарли. Фақатгина, муносабатни ўзгартириб, бемалол ишлашга шароит яратилса, фаолиятимизга асоссиз аралашушларга чек қўйилса кифоя.

Валижон СУЛАЙМОНОВ,
Норин тумани Усмонов Юсупов қишлоғида яшовчи фермер:

— Одам ўта содда бўлсанг ҳам қийин экан. Яхши ният билан гўшт етиштиришга йўналтирилган фермер ҳўжалиги ташкил этиб, ишларни юриштириб олган пайтимда туман ҳокимлигига аттестацияга қақаришди. Биринки савол бергандай бўлишдию, не гап, не сўз, тушунтиришмади. Бориб

ишимни давом эттиравердим. Кейин билсам, синов натижаларини бошқароқ расмийлаштиришган экан. Ваҳоланки, фаолиятим талабга яраша, берган саволларига муносиб жавоб қайтаргандим. Комиссия раиси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Сайфиддинов хузурига қатновим бошланди. У «Ие, отахон, англашилмовчилик бўлибди-да, тўғрилаймиш, тўғрилаймиш», дейишдан нарига ўтмади. Бу ёқда ҳўжалигим фаолияти тўхтаб, ишлар орқага кетди. Икки йилдан сўнггина, роса чоп-чоп, югур-югурдан кейин ҳақиқат қарор топди.

Узимга ўзим айтман, биргина англашилмовчиликни тўғрилаш учун икки йил югурилса, жиддийроқ масала қанча муддатда ечиларкин? Ёки тобора кўпроқ эътибор ва кўмакка сазовор бўлаётган фермерлик ҳаракати муносабат Норинда бошқароқмикин?

Собиржон МАМАЖОНОВ,
Улуғнор туманидаги «Дўстлик» ширкатлар уюшмасида фаолият кўрсатаётган фермер:

— Туманимиз ҳокими Обидовдан шахсан миннатдорман. Биз деҳқон-фермерларга, тадбиркорларга ўта қайишадиган одам. Бирон таклифни ўртага ташласак астойдил қўллаб-қувватлайди. Керакли ёрдани аямайди. Масалан, менга 17 гектар ер ажратиб берилган. Тўққиз киши меҳнат қиламиз. Қарамоғимизда 36 бош қорамол, 65 парранда, 3 бош отга эгамиз.

Йил сайин юқори натижаларга эришяпмиз. Ўтган йили бир тонна гўшт, 12 тонна сўт, 4.600 дон тухум топширдик. Фалла, пахтадан юқори ҳосил олдик.

А. ПИРМАТОВ,
Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Жалғ сўзи» мухбирлари.



КЎРКАМЛИК БАХШ ЭТИБ

Жиззахда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилган. Шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси бўйида «Тонг юлдузи» оқватланиш масканини бунёд этиш гоғси илк бор пайдо бўлганда дилим ёришиб кетди. Қамровни кенгрок олдик. Ҳозир кунига 500-600 нафар одамнинг эҳтиёжи қондирилмоқда. Қурилишлар тўғрисида атрафнинг янада кўркам қиёфа касб этиши барчага маъқул бўлди. Асосан, миллий таомлар тайёрлашга эътибор беряпмиз.

Шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар ҳамisha шароитимиздан хабардор бўлиб туришади. Вақтида давлат солигини тўлаб турибмиз, ходимларимизнинг ҳам топиш-тутиши ёмон эмас. Эндиликда эришилган марра билан неғараланиб қолмасдан яна фаолият доирамизни кенгайтирмоқчимиз. Янгидан фонтан қуряпмиз, шабада эсиб турадиган айвонда ҳам оқватланиш ўринлари яратамиз. Хуллас, тадбиркорликнинг ривожидан одамлар ҳам, давлат ҳам манфаат қўраверади.

Шавкат СОАТОВ,
Жиззах вилояти,
Суратда: тадбиркор Шавкат Соатов келини Фотима билан.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ҚАНОТ ҚОҚ, ТАШАББУС!

Оқ олтин туманининг маркази — Сардоба шаҳарчасидаги бозорда кейинги ойларда болақайлар учун турли-туман уйинчоқлар, рақс қўйлақчалари, шиппақлар, чойнақлушлар пайдо бўлди. Бу харидорниг буюмларни туман марказидаги болалар ва ўсмирлар ижодий маркази қошидаги тўгарак аъзолари тайёрлаб бозорга чиқаришапти. Дилдора Салаева раҳбарлик қилаётган ижодий марказда тиқиб-бичиб, каштачилик, тасвирий санъат, экология, мусиқа, рақс ва инглиз тилини пухта ўргатувчи 14 та тўгарак мунтазам ишлаб турибди.

— Унлаб ўқувчилар тўгаракларда фаол иштирок этмоқда, — дейди Дилдора Салаева. — Бугунгача тайёр маҳсулотлардан тушган маблағ юз минг сўмга яқинлашиб қолди. Бу ишдан ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам бирдек хурсанд. Негаки марказимизда ўқувчи ёшлар ҳам хунар ўрганишади, ҳам ўз эҳтиёжлари учун маблағ ишлаб топишади.

А. ХОНИМКҮЛОВ,
«Жалғ сўзи» мухбири.

ХИЁНАТ ВА ЖАЗО

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик яқунлари бағишланган мажлисида тадбиркорлик қадим тўғрисида неча асрлардан буён шакланганини жуда тўғри таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, ота-боболаримиз олис элларга қанаб, савдо ишнни моҳирона йўлга қўйишда бошқа халқларга ибрат бўлишган. Халоллик, поклик йўлида амалга оширилган бу фаолиятдан элу юртинг эҳтиёжи қонган, ўзлари ҳам манфаат қўришган.

Ҳа, тадбиркорлик бизга бобомерос. Айни пайтда улардан бизнинг авлодга софлик, тўғрискўзлик, халоллик ҳам ўтиши керак. Лекин тазорини нотўғри ишлатиш ҳисобига харидор ҳақида хиёнат қилган кимсалар кўп учраб турибди.

Назирхон ЭРҒАШЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Тошкент вилояти. Чиноз туманидаги "Чиноздон" акциядорлик жамияти қошида кунига 54 тонна ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик қорхона ишга тушганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. "Ўздонмаҳсулот" корпорациясининг ташаббуси билан барпо этилган мазкур қорхона Швейцария технологияси билан жиҳозланган бўлиб, унда 70 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.



"ЧИНОЗДОН": УРУҒЛИК САРАЛАШ ҚИЗҒИН



Бундан роппа-роса бир йил аввал фақатгина дон омбори вазифасини ўтаган хиссадорлик жамиятида янги қорхонанинг ишга туширилиши уни галла-ни узоқ комбинатларга қайта ишлашга юбориш ташвишидан халос этди. Ортиқча харажатларга чек қўйилди. Тумандаги мавжуд савдо ташкилотлари ҳам Тошкент шаҳри ва Оҳангарон туманларидан эмас, балки мазкур қорхонада тайёрланаётган маҳсулотни харид қила бошладилар.

—Янги қорхона шарофати туфайли ўтган йили саккиз миллион сўм соф фойда кўрди, — дейди "Чиноздон" хиссадорлик жамияти раиси Миржалол Фуломов. —Бу йил ҳам туманимиз галла-корлари шартномада белгиланган 15

минг 810 тонна ўрнига 18 минг тонна сара дон топиришди. Айни пайтда уни тозалаш, қуритиш, ундан уруғлик ажратиш олиш ва қайта ишлаш қизғин паллага кирди. Режага кўра, янги ҳосилнинг "Қупава", "Қрошка" навларидан кузда экиш учун 250 тонна уруғлик ажратиш кўзда тутилган. Бу ишга юзга яқин киши жалб этилган бўлиб, бугунга қадар 150 тоннадан зиёдроқ сара уруғлик тайёрланиб, қорхоналарга жўнатилди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) қорхона раҳбари М. Фуломов, ишчилардан Б. Арслонов ва Ж. Муҳаммадиевлар янги уруғлик сифатини кўздан кечиришмоқда; дон хирмони.

У. УСОНОВ олган суратлар.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ

шуни эслатиб ўтадики, амалдаги қонунчиликка биноан, радиодастурларни тарқатиш ва маълумотларни узатиш учун берилган лицензияларнинг муддати 2000 йилнинг иккинчи ярим йиллигида тугаши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар ўз лицензияларини ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун рухсатномаларини белгиланган тартибда қайтадан рўйхатдан ўтказишлари керак.

Маълумот учун телефонлар: **139-46-13, 139-84-57, 139-84-53.**

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги

Бу кунларнинг ўзи келмаган

Ҳаётнинг ажиб бир қонунияти бор. Машаққат ва ғурбат оғушида кечувчи йиллар киши кечаларидек секин ўтади. Тинч, осуда ва мунаввар йиллар эса соат миллиридек тез ҳаракат қилади. Мана, кўз очиб юмгунча мустақил ўзбек дёғри ҳам тўққиз ёшга тўлиб, Тошкентнинг бош майдонида байрам таратқулилари бошлаб юборилди.

Яқинда Оксарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз худди шу масалага эътиборни қаратди. Чиндан ҳам ҳар бир мамлакатнинг куч-қудра-

шевиклар тазйиқи туфайли Афғонистонга қочиб кетмоқчи бўлганида, уш-лаб, Москвага сургун қилинган. Тадбиркор миллионер хатто Москвада сургунлик йилларини ўтказиб туриб ҳам яхшигина дўкон сотиб олиб, қорақўл савдоси билан фаол шуғулланган. Бундай бойлар аср бошида ҳам, 30-йилларда ҳам оз бўлмаган. Уларнинг қанчалик кўп бўлиши, Фарб ва Шарқнинг энг тараққий этган

Мустақилликнинг тўққиз йили гарчанд тез, шиддат билан ўтган эса-да, шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизнинг ташқи қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, гўзаллашиб кетди. Ички (ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий) ҳаёт ҳам тубдан янгиланди. Лекин олдида буюқ максатни қўйган жамият учун бу тарихий ўзгаришлар кўлами оз бўлиб туюлиши табиий.

юз бериб турибди. «Мустамлакачилик» ва «мустақиллик» сўзлари «кеча» ва «кундуз»-дек бир-бирига тамомила тескари маънони англатади. XX асрнинг биринчи чорагида яшаган аждодларимизнинг бирдан-бир орузи ўзбекистонни мустамлакачилик қишанларидан холи қўриш эди. Миллий уйғо-ниш ҳаракати намоянда-лари халқни маърифат до-вонлари орқали мустақил-лик майдонига олиб чи-

Мустамлакачилик дав-рида яшаган ва бугунги истиқлол даврини астой-дил оруз қилган ватан-дошларимиз орасида бундай кишилар оз эмас. Қани энди, улар ҳақида романлар, достонлар, ҳикоялар, шеърлар яра-тилса! Қани энди, уларга бағишланган кинофильм-лар-у театр спектакляри-ни томоша қилиб, исти-қлол фидойиси бўлган ватандошларимиздан иб-рат олиш имкони туғил-

ЎЧМАС САҲИФАЛАР

ти унинг табиий бойлик-лари, халқи томонидан ишлаб чиқарилган қим-матбаҳо маҳсулотлар ё журфодий кенгликлар-ю, аҳолисининг сон-салмоғи билангина белгиланмай-ди. Агар шундай бўлган-да, масалан, Япония ер-юзидида энг ночор мам-лакатлардан бирига ай-ланган бўларди. Ҳолбуки, шапалоқдек ерда яшаёт-ган япон халқи ишлаб чиққан замонавий электр-кор ускуналари ва сало-ҳияти билангина эмас, айни пайтда ўз байроғи-га садоқати, миллий ма-фқураси ва миллий та-ралайиёт гоғларига соби-т-лиги билан ҳам ҳахонда катта хурмат ва эътибор-га моликдир.

Япон дўстларимиз ўз элатларини макташни хуш кўрмаганларидек, каминанинг ҳам ўз халқининг ноёб сифатларини таъриф-таъсиф эттишим ноурин. Аммо уфқ билан туташган пахта далалари ўзбек халқининг меҳнат-севарлигидан, халқро талайиға эътибор қозон-ган қўллаб олимларини, тегишли хужжатлар билан тасдиқланган қаш-фиятлари илмий салоҳи-ятидан, янги-янги замо-навий технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган фарзандлари эса тадбир-корлигидан шаҳодат бе-ради.

Мустамлакачилик дав-ри қурбонлари билан боғлиқ хужжатларни ўр-ганар эканман, XX асрнинг биринчи чорагида яшаган талайиға савдогарлар-нинг тақдир билан та-нишдим. Шулардан бири Бухоролик миллионер Аминжон Сулаймонов бўлиб, у 1885 йили дунё-га келган. 1918 йили Бу-хорода тайёрланган ак-сар қорақўл терисини йи-ғиб олиб, Афғонистон бозорларида жуда катта пулга сотган. Тўшган сар-моя билан Германияга борган ва у ерда 1922 йилга қадар яшаб, учта катта уйни сотиб олган. Берлиндаги нуфузли бан-клардан бирига мўмайги-на капитал қўйган. Бухо-рода ҳам бешта уйи, боғ-роғи, 60 таноб ери бўлган. 1930 йили боль-

қишни ўз олдларига бош мақсад қилиб қўйганлар. Шу қутлуғ ҳаракатнинг на-моёндалари орасида бухо-ролик бошқа миллионер-нинг фарзанди Файзулла Хўжаев ҳам бўлган. У кей-инчалик Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимига хизмат қилган ва катта имконият-ларга эга бўлган бўлса ҳам ўзбек юртининг боль-шевиизм турлари билан чамбарчас урилиб бораёт-гани, ноибобарин, унинг эркин нафас олиши мум-кин эмаслигини кўрган. Имкони борица ўз юрти ва халқининг бахт-саодати учун курашган.

1935 йилнинг кўклами-да Файзулла Хўжаев бухо-ролик сафдошлари бил-лан ўз уйида гурунглашиб ўтирар экан, бирдан йи-ғлаб юборган. Бундан хай-рон бўлган онаси фарзан-ди ёнига келиб, ундан нега йиғлаётганини сўра-ганида, у бундай жавоб берган: «Сен мени бахт-сиз қилиб туққан экансан. Мен эшакдек, қулдек иш-лаяпман, аммо кўнглим бюргангани қила олма-ман. Ўз халқим учун бир-ро нарса қилиш қўлим-дан келмаётти, қулдек бошқаларнинг буйғурини бажараяпман, холос!». Онасини сенсираб гийри-шига кўнчан республи-канинг 30-йиллардаги икки раҳбаридан бири шундай деб йиғлаган.

Уша йилнинг кузида эса Файзулла Хўжаевнинг уйи-да яна бухоролик бир-икки биродари билан бир-га Комил Яшин, Ҳалима Носирова сингари санъат-корлар меҳмон бўлганлар. Файзулла Хўжаев улар хузурида гапирга туриб, дилидаги жароҳатини яна бундай очиб юборган: «Қани энди, Худо менга гуллаб-яшаган Ўзбеки-стоннинг мустақил бўлгани-ни кўриш бахтини бер-са!».

Дардчил давлат арбоби ўз юртининг буйиндаги сиртмоқнинг тобора та-раранглиб бораётганини кўриб, ичдан «Дод» деган-у Қори Еқубов ижросида-ги Чўлпон ва Фитратнинг оташин шеър ва қўшиқла-ридан яшаш учун мадад олган.

Навм ҚАРИМОВ.

РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Халқаро Телеком" ва "Маҳаллий Телеком" акциядорлик компанияларининг тақлифлари, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2000 йил 11 июлдаги 226-сонли буйруғига биноан, Ўзбекистон Республикасида 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб электр алоқаси қорхоналарининг айрим хизмат турларига янги тарифлар жорий этилади (фақат ўзгартиришлар киритилаётган айрим тарифлар маълум қилинмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИГА ТАРИФЛАР

ТЕЛЕГРАММАЛАРГА: қорхоналар ва аҳоли учун ўзгаришсиз.

ШАҲАРЛАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИГА:

Хизмат турлари	Бир минут сўзлашув учун тўлов миқдори, сўмларда	
	қорхона	аҳоли
Республика доирасида масофада телефон сўзлашуви:		
300 километр гача	20,0	10,0
300 километрдан ортиқ	40,0	20,0
Хонадон телефонлари ва меҳмонхоналар телефонларидан кредитга сўзлашуларда ҳар бир сўзлашув учун тўловга қўшимча ўндирилади		15,0
ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАРИГА		
ХАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММАЛАР		
	тўлов миқдори, сўз учун сўм	шошилич
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозғоғистон, Қирғизистон), Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбойжон	31,0	62,0
Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия	70,0	141,0
ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИ		
Марказий Осиё		100,0
Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбойжон		175,0
Европа		600,0
Осиё: - Баҳрайн, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия, Малайзия		760,0
- Осиёнинг қолган мамлакатлари		900,0
Америка, Африка		730,0
Австралия		750,0

Шошилич тариф бўйича сўзлашувлар икки баробар ортиқ миқдорда тўланади.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИГА ТАРИФЛАР

Хизмат турлари	Телефон тармоқлари учун тўлов миқдори, сўмларда	
	Аҳоли	қорхоналар ва аҳоли учун шартлар ва тарифлар ўзгаришсиз қолди.
Вақтбай тўлов - қорхоналар ва аҳоли учун шартлар ва тарифлар ўзгаришсиз қолди.		
Абонент томонидан сўзлашувнинг бир ой учун 180 минутлик миқдоридида белгиланган минутидан ортиқча ҳар бир тулик ва тулик бўлмаган минута ва белгиланган абонент тўлови учун - 0,50, 01, 02, 03, 04 махсус хизматлари, шунингдек, МТС нинг бюртмалар хизматиға чиқиш учун вақтбай тўлов ўндирилмайди.		
ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ БЎЙИЧА АБОНЕНТ ТЎЛОВИ		
Асосий телефон аппарати учун бир ойда: яқка тартибда фойдаланиладиган жамоавий фойдаланиладиган	350 591	232 591
Параллел телефон аппарати	172	116
Турли абонентларга ўрнатилган қўшимча ва параллел телефонлар учун бир ойда: яқка тартибда фойдаланиладиган жамоавий фойдаланиладиган	97 160	75 160

ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ БЎЙИЧА АБОНЕНТ ТЎЛОВИ		
Асосий телефон аппарати учун, бир ойда: яқка тартибда фойдаланиладиган жамоавий фойдаланиладиган	120 200	97 200
Параллел телефон аппарати	60	48
Турли абонентларга ўрнатилган қўшимча ва параллел телефонлар учун бир ойда: яқка тартибда фойдаланиладиган жамоавий фойдаланиладиган	97 160	75 160

Километрли тўлов		
Абонент ва ҳар бир сўзлашув тўловига қўшимча линиянинг шаҳар чегарасигача ҳар бир километри учун, агар абонент телефони шу шаҳар (аҳоли пункти) телефон станциясига уланган бўлса,		
Хўжалик ҳисобидида қорхона учун - 100	Бюджет ташкилотлари учун - 91	Аҳоли учун - 10
Қорхоналар ва ташкилотлар учун 2000 йилнинг 10 июлидан бошлаб тарифлар 30-32% пасайтирилди.		
Ўрнатиш		
Асосий телефон аппаратини ўрнатиш учун рўйхатга олиш тўлови: Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида, вилоят бўйсунувидидаги шаҳарларда ва туман марказларида, қишлоқ жойларда 2000 йилнинг 10 июлидаги ҳолатга кўра, ўзгаришсиз қолди.		
Параллел телефон аппаратини ўрнатиш учун рўйхатга олиш тўлови: шаҳарларда ва туман марказларида, қишлоқ жойларида - 2000 йилнинг 10 июлидаги ҳолатга кўра, ўзгаришсиз қолди.		

ЭСЛАТАМИЗ: рўйхатга олиш тўлови ва телефондан фойдаланиш учун илгари жорий этилган имтиёзлар сақланиб қолди. **ДИҚҚАТ!** 2000 йилнинг 10 июлидан бошлаб жорий этилган қуйидаги имтиёзлар амал қилинмоқда: шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларида телефон сўзлашуви учун вақтбай тўлов соат 22.00дан 7.00 гача бўлган муддатда 10 фоизга қаммади.

Ўзбекистон Республикаси ичида шаҳарлараро телефон сўзлашуви учун тўлов: иш кунлари соат 22.00 дан 7.00 гача 15 фоизга, шанба, яқшанба ва байрам кунлари соат 22.00дан 7.00гача 20 фоизга қаммади. Телефондан фойдаланиш учун ҳақ олдиндан тўланган тақдирда (абонент) қуйидаги чегирув амал қилади: ташкилотлар ва фуқаролар учун бир йилга олдиндан тўланган тақдирда абонентнинг амалдаги миқдори 10%, тўққиз ой учун 8%, олти ой учун 6%, уч ой учун 3%.

Чўлпоннинг тулик рўйхати барча электр алоқа қорхоналарида мавжуд

Электр алоқаси хизматларидан фойдаланинг! Кўрсатилган хизматлар учун сўмларни ўз вақтида тўланг!

"Халқаро Телеком" А.Ж.
"Маҳаллий Телеком" А.Ж.


Алло, Сидней!

Илиги тўқ... ланинг мушти қаттиқ, зарбаси кучли бўлади. Ақли тиниқ, гидрокли болагина мўлжални аниқ болади.

қалиб кетди. Ўзига келиб улгурмай яна бир мушт билан «сийланди». Усмир навбатдаги зарбга зўр-базўр чап бериб

АМЕРИКАЛИКЛАРНИ ОЁҚҚА ТУРҒИЗГАН ЙИГИТ

улгурди ва ўзи ҳам мушлар ёмғирини ёғдира кетди. — Чаккимас, — ўзини химоя қилар экан тан берди устоз. — Чинданам сендан яхши боксчи чиқадими. Фақат машаққатлардан чўчимасанг, довдираб қолмасанг бўлгани.



Уткирбек устозининг ана шу ўғитларини бокс оламининг таникли мураббийлари Маркс Қўчқоров, Александр Размохов, Валентин Золоторевлар мактаби — «Олимпиада ўринбосарлари» билим юртига келганида ҳам унутолмади. Аксинча, ўзидан кучли кўринган рақиб билан тўқнаш келганда, оғир зарбаларни ўтказиб юборишда ўша ўғитлар рухан мадад берди. Ўзини қўлга олди.

лохиятини уммон ортида — АҚШнинг Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида намойиш этди ва мутлоқ ғолибликни эгаллади.

— Мухаммадқодир, Тўлқин каби чарм қўлқоп усталари ўнлаб халқаро беллашувларда қатнашавариб «қўзларни пишиб» қолган. Сиз бўлсангиз, аксинча — катта рингда камдан-кам беллашгансиз? — дея савол берган эдик чемпиони бўлиб қайтган Уткирбекка суҳбат чоғида.

— Тўғриси, анча ҳаяжонландим. Негаки, катта рингнинг ўзига яраша салобати, ваҳимаси бўлади-да. Бўлибман қаерда дегн — Америкада. Кейин ўзимни тутиб олдим. Мен ғолиб бўлиш учунгина рингга чиқмаслигимни, аксинча, ундан ҳам муҳимроқ, буюкроқ масъулият — Ватаним, мухлисларим ишончини оқлашим зарурлигини

яхши тушунардим. Финалга чиққан рақибим ҳам анойи эмас эди. Бироқ мен ютиб чиқдим.

— Ғолиб бўлганингизни «ойнаи-жаҳон»дан кўриб билдик. Ушанда кўзларингизда ёш бор эди? — Ватаним байроғи кўтарилганда ўзимни тутиб туролмадим — кўзимдан ёш қуйилиб кетди. Ўзи умримда йилгаган эмасман. Юрагим тўлиб кетди-да ўшанда.

Хьюстондаги галаба Уткирбек Ҳайдаров учун «яшил чироқ» вазифасини ўтади. Кечаги оддий бўз йигит бугун Ватан шарафини химоя қиладиган, унинг довруғини етти икклимга таратиши мумкин бўлган юлдузлардан бирига айланди. Уткирбек Сиднейга йўлланма олган андижонлик саккиз спортчининг биттаси. Биз Олимпиада ўйинлари бошланиши олдида Уткирбеклар хонадонидан бўлдик.

— Аттанг, раҳматли дадаси Уткирбек ўғлимнинг жаҳон чемпиони бўлганини кўролмади, — армонлари мужонларига қалқиди Хосиятхон аянинг, — ҳаёт бўлганларидан қанчалар қувонган бўлар эди-я.

— Бир кам дунё деб шуни айтдилар, — онага далда берган бўлди биз. — Назарингизда Уткирбек...? — Олимпиададан галаба билан қайтади, ўйилганим. У орийатли, бир сўзи йигит.

Онанинг дил орузси рўёбга чиққай.

Одилжон ШОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАМСАШУНОСЛИҚДА ЯНГИ САҲИФА

Саккиз асрдирки, адабиёт оламида ҳамсачилик давом этиб келади. Низомий Ганжавий бошлаган аънанадан не-не улуг зотлар бахраманд бўлмади. дейсиз. Улар орасида улуг бобомиз Алишер Навоийнинг «Хамса»си алоҳида обрў-эътибор топида. Асрий аънана XX асрга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Навоий каламидан таъсирланган ўзбекнинг ҳассос шоири Барот Бойқобилов улуг зотлар изидан бориб, йигирма йиллик тинимсиз меҳнат натижасида «Янги Хамса» яратди. Бунинг қарангки, ҳазрати Навоий XX асрга келиб ўзи «Янги Хамсага қахрамон бўлишни ҳеч ўйлаганмикин?! Нима бўлмасин, «Янги Хамса»нинг яратилиши ўзбек адабиётининг салвоқорлигидан, юксак салоҳиятдан далолат эмасми, ахир?



Яқинда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти академик Азиз Қаюмовнинг «XX аср «Хамса»си» номи янги рисоласини чоп этди. Навоийшунос олим ўз замондошининг тўхтаб қолган аънанани давом эттирганидан хурсанд бўлади.

Навоий сўзи дилга мадор, белга қувват бағишлайди. Азиз Қаюмов ўз асариде «Хамса» яратмоққа астойдил бел болаган Барот Бойқобилов «Навоий вафот этган дўшман, «Истиқлол баҳори кулган бўстонни юрак-юракдан қўйлашни мақсад қилиб қўйгани» ва Навоий туғилиб ўсган Хуросон улқаси, унинг маркази Ҳирот шаҳри гўзалликлари «Янги Хамса»да моҳирона гавдалантирилганини ёзади.

«Янги Хамса» улуг бобомиз Алишер Навоийга, унинг бетимсол ижодида, ўзбек халқи ҳаётида тутган аҳамиятига, юксак салоҳият соҳибининг иқтидорига қўйилган ҳайкал бўлди, дейди олим.

Азиз Қаюмовнинг Навоийга бўлган чекизи муҳаббати бу китобни ёзишга ундади. Домга бағри кенг инсон. У адабиётдаги ҳар бир янгиликни кўриб чин юракдан қувонади. Муаллифни илқ сўзи билан муборақбод эттиси келади. Бу асар ҳам аслида ўша муҳаббатнинг, бағрикенгликнинг меvasидир.

Алишер Навоий ҳеч қилма ўшамайдиган поёнсиз бир дунёни, унга қанча чуқур кирсангиз шунча тозарасиз, дошимандлик қасб этасиз. Азиз Қаюмов қаерда гапирмасин, Навоий даҳосига уяганча меҳр-муҳаббат билан сўзлайди.

Рисоласи билан танишган ҳар бир китобхон Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса» асарининг асли мазмун-моҳияти, унинг яратилиш тарихини чуқурроқ англайди. Ҳазрат Навоий ва Хожа Аҳрор яшаган улуг юз йиллик тарихидеги воқеа ва ҳодисаларни тасаввур этиш баҳидан бахраманд бўлади. XV асрнинг иқтимоий-сиёсий, тарихий, фалсафий, маънавий-маърифий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади.

Зўро китобхонларга академик Азиз Қаюмовнинг маҳорат билан ёзган Шарқ адабиётининг улуг аънаси — «Хамса»чиликка бағишланган бу муҳтасар рисоласини ўқиб чиқишларини тавсия қилардик.

Муҳиддин НАЗОРОВ, филолоф факультети номзоди.

Мирзо-Улуғбек туманидаги «ИЗУКД» тажорат-ишлаб чиқариш корхонаси ТУТАТИЛАДИ. Давоалар эълон чиққан кундан бошлаб бар ой давомиде қабул қилинади. КОД ОКПО 16111919. Тел: 191-88-72.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ
Танлов сони № 04. Эълон қилинган кун 25. 07. 2000 й.
Осиё Ривожланиш Банкнинг 1595 (МЖ)-ЎЗБ рақамли Кредити бўйича амалга оширилаётган «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида Халқ таълими вазирлиги кўргазмали қуролларни харид қилиш учун танлов эълон қилади.
1. Ўзбекистон Республикаси Осиё Ривожланиш Банки билан «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида мактаб кутубхона жамғармалари учун кўргазмали қуроллар харид қилишга маблағ ажратиш тўғрисида келишган.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Харидор) умумтаълим мактаблари кутубхона жамғармаларига харид қилинадиган кўргазмали қуролларни танлов ҳужжатларининг IV-бобида белгиланган тарзда чоп этиш, бутлаш, маркировка қилиш ва жойларга етказиб бериш бўйича танловда қатнашиш учун қатнашиш ҳуқуқига (барча қатнашчилар ва уларнинг махсулотлари ОРБга аъзо бўлган давлатлардан бўлиши шарт) эга бўлган барча нашриётлар ва фирмаларни таклиф этади.
3. Танловда қатнашиш истагини билдирган барча Иштирокчилар куйидаги манзилдан қўшимча маълумот олишлари мумкин:
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
Лойиҳа менежери Г. Ш. Тугеева.
Тошкент шаҳри-700027,
Ўзбекистон кўчаси-80-уй,
«Ўқитувчилар уйи» 311 хона.
Алоқа учун телефони (998-71) 139-15-73
Факс № (998-71) 139-15-71
Эл. почтаси: uzbpiu@globanet.uz
4. Танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олиш учун танлов иштирокчилари 3-бандда кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари ва Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий феолият миллий банкнинг Марказий амалиёт бўлимидаги 20203000100101044001 сонли ҳисоб рақамига (МФО 00408) 20 минг сўм ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда корхонанинг ишонч хатини тавсия этишлари зарур бўлади.
5. Барча таклифлар танловнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этадиган банк қафолат билан бирга 2000 йилнинг 31 август кун соат 11.00 гача топширилиши шарт.
6. Танлов таклифлари 2000 йил 31 август соат 12.00 да Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 80, 3-қаваат, кичик залда барча қатнашчилар иштирокида ошқора очилади.
7. Таклифнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этган банк қафолатини 2000 йил 31 август соат 11.00 гача тавсия этолмаган танлов иштирокчилари танловда иштирок этолмайдилар.
8. Халқ таълими вазирлиги танлов таклифларини тайёрлаш жараёнида қатнашчиларнинг сарф этган харажатларини тўлаш мажбуриятини олмайди.

INVITATION FOR BIDS (IFB)
IFB Number: 04 Date 25 August, 2000.
Loan Number: 1594(SF)-UZB
Project Title: Procurement of Teaching Aid Kits.
1. The Republic of Uzbekistan has received a Loan from Asian Development Bank in various currencies towards the cost of Basic Education Textbook Development Project and it is intended that part of the loan proceeds will be applied to eligible payments under this contract for procurement of the Teaching Aid Kits to be used in Secondary Schools.
2. The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan (the Purchaser) now invites sealed bids from eligible Bidders for the printing, packaging, marking, and distribution of the Teaching Aid Kits for the titles and quantities specified in Section IV of the Bidding Documents.
3. Interested eligible Bidders may obtain further information from and inspect the Bidding Documents at the office of:
Name: Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan
Basic Education Textbook Development Project
Project Implementation Unit
Attention: Ms. Guzai Tugeeva,
Project Manager
Address: Room 311
80, Uzbekistan Street
700027 Tashkent
Republic of Uzbekistan.
Telephone No. (998-71) 139-1573; Fax number (998-71) 139-1571
E-mail: uzbpiu@globalnet.uz
4. A complete set of Bidding Document may be purchased by any interested eligible Bidder on submission of written application to the above and upon payment of a non-refundable fee 20000 (twenty thousand) UZB Sum to the Ministry of Public Education's Bank Account No.20203000100101044001, at the Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the Bank-00408).
5. All bids must be accompanied by a bid security of not less than two percent (2%) of Total Bid Price and must be delivered to the above office on or before 31 August 2000, at 11:00 a.m.
6. Bid will be opened in the presence of Bidders' representative, who choose to attend on 31 August 2000, at 12:00 noon at office of the Project Implementation Unit, Room 311, 80 Uzbekistan Street, 700027 Tashkent.
7. Bidders who cannot deliver the Bid Security of not less than two percent (2%) of Total Bid Price to the above office on or before 31 August 2000, at 11:00 a.m., shall be disqualified.
8. The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan will not be responsible for any cost or expenses incurred by bidders in connection with the preparation of delivery of bids.

2000 йил 25 август ЭЪЛОН! соат 10.00 да
№ 810 "Тошкент-Зарбдор", № 818 "Тошкент-Шаҳрисабз", № 827 "Тошкент-Мўғал қ.", № 852 "Тошкент-Маржонбулоқ", № 863 "Самарқанд-Ғагарин".
№ 814 "Самарқанд-Мўғал қ.", № 819 "Самарқанд-Баҳмал", № 820 "Самарқанд-Олмалиқ", № 862 "Самарқанд-Зомин".
шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун
ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ
Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва шаҳарлараро-вилоятлараро йўловчи ташиш автомобиль транспортида ташишни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.
Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.
Комиссия манзили: Тошкент ш., Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй.
Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 2000 йил 21 август 17.00 дан кечикмай буюртма беришлари лозим.
Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2000 йил 24 август соат 17.00 гача қабул қилади.
ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент ш., Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлис зали.
Маълумот учун телефонлар: 41-14-86, 41-14-19.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худойеров, И. Шогуломов, О. Қайбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 516, 22953 нускада босилди, ҳамаи — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўзғалғич А-2 Газета ИВМ компьютеризация терлиди ва операторлар Сергей ЛУКЪИН ва Жамият ТОҒАЕВ томонидан есидаланди. Тахрирнинг ҳамаи 5 қўзғалғич илд материаллар қабул қилинади.
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Мятбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ж. Садуллоев. Навбатчи — Д. Тургунова. Муваҳҳид — Ш. Машраббеов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 20.15 1 2 3 4 5 6